

**08.00.08 – “Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит”
иқтисослиги бўйича иқтисодиёт фанлари фалсафа доктори (PhD) илмий
даражасини олишга талабгор Қличев Бахтиёр Пардаевичнинг “Хўжалик
юритувчи субъектларда операцион фаолият таҳлилини
такомиллаштириш” мавзусидаги диссертация авторефератига**

ТАҚРИЗ

Операцион фаолият таҳлилини ўтказиш ва уни такомиллаштириш масалаларига бугунги кунда катта эътибор қаратиш объектив заруратга айланиб, бу бўйича янгича ёндошувларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга тадбиқ этиш илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишлари ҳисобланади. Шунинг учун олиб бориладиган илмий ва амалий тадқиқотларда корхоналарнинг асосий даромад келтирувчи операцион фаолият самарадорлигига ва уни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлилини такомиллаштиришга катта аҳамият берилиши керак.

Иқтисодий таҳлил бўйича чоп этилган асарлар ва олиб борилган тадқиқотларда операцион фаолият таҳлили иқтисодий таҳлил тизимида умумий тарзда ёритилган. Бироқ, айнан операцион фаолият таҳлилини ташкил этиш масалалари, ишлаб чиқариш ҳажмини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларни аниқлаш ва таҳлил жараёнида қўллаш, маҳсулот рақобатбардошлиги таҳлилида маҳсулотга баҳо шакллантиришнинг муаммоли жиҳатлари, операцион фаолият таҳлилида маҳсулотнинг операцион циклини аниқлаш ва уни қисқартириш усуллари тўлиқ мазмунда ёритилмаган. Тадқиқотчи Б.Қличев томонидан бажарилган “Хўжалик юритувчи субъектларда операцион фаолият таҳлилини такомиллаштириш” мавзусидаги диссертация юқорида айтиб ўтилган муаммоли жиҳатларни ёритишга қаратилган ишлар тоифасига киради. Шунинг учун ҳам диссертация мавзуси долзарб ҳисобланиб, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларни амалиётга жорий этилиши корхоналарда ижобий самарадорлик кўрсаткичларини шаклланишида, асосий фаолиятни кенгайтириш ва ишончли бошқарув қарорларини қабул қилишга хизмат қилади.

Диссертация автореферати доирасида олиб борилган тадқиқот жараёнида муаллиф томонидан эришилган қуйидаги ижобий натижаларни таснифлаб ўтиш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

1. Тадқиқотнинг мақсади хўжалик юритувчи субъектларда операцион фаолият таҳлилини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат бўлиб, ушбу мақсадга эришиш учун тадқиқотчи диссертация авторефератида қўйилган вазифаларни амалга оширган ҳамда ижобий натижаларга эришган.

2. Корхоналар операцион фаолияти ва операцион фаолият таҳлили тушунчалари бўйича турли олимларнинг фикрларини тадқиқ қилинган, фикрлар умумлаштирилган, ушбу тушунчаларнинг таърифлари ишлаб чиқилган.

3. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ифодаловчи кўрсаткичлар ишлаб чиқилган, уларни аниқлаш бўйича таклифлар берилган;

4. Маҳсулот сотиш ҳажми таҳлилини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан маҳсулотга истеъмолчи танлови ва манфаатларидан келиб чиқиб баҳо шакллантириш бўйича таклиф берилган.

Диссертация авторефератида тадқиқотчи томонидан эришилган ютуқлар билан бирга айрим йўл кўйилган камчиликлар ҳам мавжуд. Лекин мазкур камчиликлар ишнинг илмий ва амалий жиҳатдан савиясига салбий таъсир кўрсатмайди. Тадқиқотчи томонидан эришилган натижалар ишончли, хулоса ва таклифлар асосланган. Иш етарли маълумотлар билан бойитилган, таҳлил қилинган ҳамда ОАК талаблари асосида бажарилган.

Сўнги сўз сифатида айтиш мумкинки, Қличев Бахтиёр Пардаевичнинг “Хўжалик юритувчи субъектларда операцион фаолият таҳлилини такомиллаштириш” мавзусидаги диссертация иши илмий-назарий ва услубий-амалий аҳамиятга эга ҳамда тугалланган тадқиқот иши ҳисобланади. Унинг муаллифи эса, 08.00.08 – “Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит” ихтисослигида иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини муносиб ҳимоя қилишга қодир.

Халқаро Нордик университети
“Иқтисодиёт ва бизнесни бошқариш”
кафедраси мудир, доцент



М.Тулаев